БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 август Сешанба
№ 152 (13.588).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Дўстлик уйи»да учрашув

ОЛМА ОТА ШАҲРИДА УРТА ОСИЁ, ҚОЗОҒИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЖУМҲУРИЯТЛАРИ КОМСОМОЛИ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БУЛИБ УТДИ

Шу йилнинг 9—10 август кунлари Олма ота шаҳри яна бир ибратли тадбирнинг гувоҳи бўлди. Шаҳардаги «Дўстлик уйи»да Азиз Носиров бошлиқ Ўзбекистон, Имоғали Тасмағамбетов бошлиқ Қозоғистон, Тинисбек Табилдиев бошлиқ Қирғизистон, Одижон Ёқубов бошлиқ Тожикистон, Гавҳар Гелдиева бошлиқ Туркманистон, Соҳиб Алекперов бошлиқ Озарбайжон жумҳуриятлари комсомол делегациялари аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда шу йил Олма ота шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг учрашувида қабул қилинган «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги битим»ни амалга оширишдаги комсомол ташкилотларининг вазифаларини кўриб чиқдилар.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик якуний ҳужжатини тайёрлаш ва уни амалга ошириш борасидаги ишлар ҳақида Қозоғистон ва Қирғизистон ЛКЁИ Марказий Қўмиталарининг биринчи котиблари И. Тасмағамбетов ва Т. Табилдиевлар ахборот бердилар. Шундан сўнг, қардош жумҳуриятлар комсомол делегацияси аъзолари ўзаро ҳамкорлик ҳаракат дастурининг ҳар бир пунктини муҳокама қилдилар ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Келишувга мувофиқ ўзаро ҳамкорлик асосида ёшлар корхоналари, марказлари ташкил этилади, илмий ва фан-техника ижодкорлиги комплекслари вужудга келтирилади, кўргазмалар, ярмаркалар, фестиваллар, ёшлар ва болалар дасталарининг гастроллари ўтказилади.

Учрашув қатнашчилари ёшларни ташвишлантираётган — атроф муҳитни муҳофаза этиш ва табиатни асл ҳолига қайтариш, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан йигит ва қизларнинг ишсизлиги муаммоларини ҳал этиш, фавқулодда ҳодисалар ва воқеалар оқибатларини ҳамкорликда бартараф қилишдек муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишни келишиб олдилар.

Учрашувда жумҳурият ёшлари ва болалар нашрларининг ўзаро саҳифалар алмашишига эришиш лозимлиги таъкидланди, рўзномаларнинг ҳар бир қардош жумҳурият пойтахтида мухбирлар пунктини очишни келгусида режалаштириш келишиб олинди.

Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон жумҳуриятлари комсомол Марказий Қўмиталари ёшлар муаммоларини илмий асосда тадқиқ қилиш, кадрлар ва активларни тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Қабул қилинган ҳужжатда таъкидланадики, илмий-тадқиқот ишлари «Суверен Совет социалистик жумҳуриятлари ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда ЛКЁИнинг қонун-қоидалари ва амалдаги ҳолатини» ўрганишга қаратилади. Ёшлар муаммолари ва кадрлар тайёрлаш бўйича 1991-92 йиллар бўйича аниқ ўзаро ҳамкорлик ҳаракатномаси қардош жумҳуриятлар комсомолининг шу масалага масъул бўлган вакиллари учрашувида келишиб олиниши белгиланди.

Олма ота учрашуви иштирокчилари бу анжуманга меҳмон сифатида таклиф қилинган РСФСР комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Елагиннинг таклифига биноан Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон жумҳуриятлари комсомол ташкилотлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун бир битимга келиши ҳақидаги ҳужжатни ҳам имзоладилар.


Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби учрашув қатнашчиларига Шарқий Қозоғистонда юз берган табиий офат — кучли зилзила ҳақида ахборот берди. Унинг оқибатларини тугатиш ва жабр кўрган аҳолига зудлик билан вақтинчалик уй-жой қуриш учун қардош жумҳуриятлардан талабалар отрядларини юбориш ҳақида келишиб олинди.

Учрашувда БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби Д. Брагиш ва БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг шўъба мудири В. Кривошеев иштирок этдилар.

• • •

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лаҳзалар.
Р. ҲАСАНАЛИЕВ («Ленинчил Жас») суратлари.







СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

1190 ЙИЛ, 12 АВГУСТ.

Эстония Олий Совети республиканинг ва умуман Иттифоқнинг ҳаётий манфаатларига дахл этувчи «Эстония Республикаси ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг муносабатлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Республика Олий Совети бутун Эстония халқининг хоҳиш-иродасини назар-писанд қилмай, СССР Конституцияси, СССР қонунлари ва Эстония ССР конституциясини ҳақиқий эмас деб эълон қилишга яна бир бор уриниб кўрди, шунингдек ССР Иттифоқи билан ана шу асосий ҳуқуқий ҳужжатлар негизида музокаралар олиб боришдан бош тортишини маълум қилди.

Бундай Конституцияга зид ҳаракатлар, қатъий талаблар асоссиз ва истиқболсиздир. Улар Эстония ССР ўзининг 1990 йил 30 мартдаги «Эстониянинг давлат мақоми тўғрисида»ги қарори билан эгаллаган позицияга қайтилганлигини билдиради, холос. СССР Президентининг 1990 йил 14 майдаги Фармони билан мазкур қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб эълон қилинган эди. Бу Фармон ўз кучини сақлаб турибди.

СССР Конституциясига мувофиқ СССР суверенитети унинг бутун территориясида амал қилади. «СССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш тўғрисида»ги қонун билан СССРнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш, унинг бутун давлат чегараларини қўриқлаш, мудофаани ташкил этиш масалалари фақат иттифоқ ихтиёрига берилган. Шу сабабли Эстония ССР Олий Советининг республика территориясида СССР Қуролли Кучларининг туриши унинг суверенитетини бузади, деган гапларини қонуний деб тан олиш мумкин эмас.

Эстония ССР Олий Советининг 7 августдаги қарорининг асосий моҳияти шундаки, Эстониянинг республика халқини ва бу хусусдаги мавжуд қонун ҳужжатларини четлаб ўтиб ССР Иттифоқи таркибидан чиқишини ушбу ҳужжат билан қонунлаштириб қўйишни истамоқдалар. Бунда фақат ССР Иттифоқининг конституцион асосларигина эмас, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормалар: БМТ Устави, Умумевропа Кенгашининг якунловчи ҳужжати ҳамда давлатлар территорияси бутунлиги ва чегаралари дахлсизлиги масалаларини ҳал этишда ўзбошимчаликни рад этадиган бошқа нормалар ҳам бузилмоқда.

Маълумки, ҳозирги пайтда Москвада СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети ва республикалар Олий Советлари мухтор вакиллари ишчи группаларининг учрашувлари ўтмоқда, иттифоқ шартномасининг концепцияси биргаликда ишлаб чиқилмоқда, мутлақо янги иттифоқ — суверен давлатлар иттифоқини тузиш йўллари изланмоқда. Ана шу жараён доирасида ўз давлати суверенитети тўғрисидаги масалани чинакам демократик асосда ҳал қилиш учун ҳақиқий имкониятлар очилмоқда. Бу Эстония бутун аҳолисининг манфаатларига мос келадиган оқилона йўл бўлиб, ана шу йўлдан бориш керак.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1990 ЙИЛ 25 ИЮЛДАГИ ФАРМОНИНИ ИЖРО ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Президентининг «СССР қонунларида кўзда тутилмаган қуролли бўлинмалар тузишни таъқиқлаш ва қурол-яроғлар ғайриқонуний сақланган тақдирда уларни тортиб олиш тўғрисида»ги 1990 йил 25 июль Фармонини бажаришни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирларни ўтказиш зарурлиги ҳақида иттифоқдош республикалардан келаётган илтимосларни ҳисобга олиб, **қарор қиламан:**

1. Ғайриқонуний қуролли бўлинмалар қурол-яроғларни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, жанговар техникани ҳамда СССР Президентининг 1990 йил 25 июлдаги Фармонининг 1-моддасида белгилаб қўйилган бошқа ҳарбий анжомларни ихтиёрий равишда топшириш муддати икки ой узайтирилсин.

2. Ушбу Фармон қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 11 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ УРТОҚ А. Н. БАЛАНДИНГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўрток Александр Николаевич **Баландинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 11 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УРТОҚ А. Я. СОЛОВЬЕВНИ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоки Қаҳрамони ўрток Анатолий Яковлевич **Соловьев Октябрь Инқилоби** ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 11 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ А. Н. БАЛАНДИНГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни амалга оширганлиги учун ўрток Александр Николаевич **Баландинга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 11 август.

Шу сонга хабар

Ошкоралик масалалари қўмитасида

Ўзбекистон ССР Олий Шўросида Ошкоралик масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси қўмита раиси ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ж. Маматов раислигида ўтди. Мажлисда Ошкоралик масалалари қўмитаси тўғрисидаги низом қабул қилинди. «Оммавий ахборот воситалар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қўмита аъзолари «Халқ сўзи» рўзномаси тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Янги рўзнома халқ манфаатларини, унинг эҳтиёжлари ва орзу-умидларини акс эттириши лозимлиги таъкидланди.

Қўмитага тушган шикоятлар ва бу шикоятлар юзасидан ўтказилган текширишларнинг натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисда ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутати Т. М. Тўлаганова Ошкоралик қўмитасининг котиби этиб сайланди.

Ёш жангчилар ўқуви

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, зирҳли танк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номли Ленин орденли Тошкент танк командирлари олий ўқув юртида ёш жангчи курсларида машғулотлар бошланди. Унинг тингловчилари — бу йил ўқув юртига қабул қилинган ва рус тилини яхши билмайдиган курсантлар бўлиб, улар Иттифоқдош жумҳуриятлардан келишган. Шаҳар олий ўқув юртларининг муаллимлари улар билан ҳафтасига уч марта машғулот ўтказишмоқда.

Билим юртида 42 миллат вакили таълим олмоқда. Қўмондонлик ёшлар фақат рус тилини яхши билиб олишлари ҳақидагина эмас, айни вақтда ўз она тилларини унутмасликлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқда. Курсантлар келган жумҳуриятлардан билим юртига СССР халқлари тилларида рўзномалар, жаридалар, китоблар келиб турибди.

Бўлажак ўқитувчилар кўргазмаси

Низомий номидаги Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент Давлат Педагогика институтида бадиий-графика қуллиёти битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмаси очилди. Унда манзара, натюрморт, портрет каби жанрларга мансуб 30 дан ортиқ бадиий асарлар ўрин олган.

Кўргазмадаги Ш. Номозовнинг «Тоғдаги қишлоқ», А. Абдуллажоновнинг «Нанай тоғлари», М. Очиловнинг «Оқтош», С. Курджемилнинг «Сўқоқ», «Апрель», А. Шмелевскаянинг «Бурчмуллада куз» каби манзара асарларида диёримиз гўзалликлари куйланса, С. Ишанова, Р. Умрзоқов, Б. Сатторов натюрмортларида она заминимиз саховати ўз ифодасини топган. Ю. Маматовнинг «Мактуб», М. Машариповнинг «Оналик» картиналари кишида лирик кайфият уйғотади. С. Раҳмонқуловнинг «Тойчоқ», С. Ғайратовнинг «Улуғбек», Г. Раҳмоновнинг «Қирғиз», В. Кимнинг «Уйғотиш» сингари асарлари томошабинни фалсафий фикрлашга ундайди.

Карим САЮМОВ,
Ўзбекистон тасвириёт муаллимлари уюшмасининг аъзоси.

Бир хато—минг муаммо

Ғалати қарама-қаршилик: мева сабзавотларни жумҳуриятимиз ҳудудидан четга чиқиб кетишидан жиддий таҳликага тушдик ва бу борада чора-тадбирлар ҳам белгиладик, назоратни кучайтирдик. Бу ҳаракатлар юртимиз бозорларида, мева-сабзавот дўконларида тўкин-сочинлик, арзончиликни таъминлаш ва охир-оқибатда халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадидаги уринишлар эканлиги тайин.

Очиғини айтганда, бу чора-тадбирларнинг нафи сезиларли бўлмоқда. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳар дўконларига етказиб бериш, уларни сотишда талай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, жумҳуриятимиз вилоятларидан Тошкент шаҳридаги мева-сабзавот дўконларига келтирилаётган маҳсулотларнинг сифатсизлиги, яхши пишиб етилмаганлиги ёки пишиб ўтиб кетганлиги харидорларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун шу йил 4-5 август кунлари текшириш ўтказилганида пойтахтга Самарқанд вилоятидан келтирилган мева-сабзавотларнинг сифатсизлиги, уларга нарх қўйилмаганлиги қайд этилди.

Фарғона вилоятидан келтирилган маҳсулотлар ҳам шундай. Шафтоли, нок, узумлар хом, картошка майда, помидорлар эзилиб кетган, сотишга яроқсиз. Бунинг устига-устак шартномадаги 140 тонна ўрнига 86 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилган, холос.

Шу ўринда қуйидаги факт ва рақамларга эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Шу йил 10 июлдан 10 августгача жумҳуриятимиз вилоятларидан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори қуйидагича: Қашқадарё вилоятидан жами 92 тонна. Аслида 260 тонна бўлиши керак эди. Жумладан, картошка 40 тонна ўрнига 12 тонна; сабзавот 20 тонна ўрнига 6 тонна; мева 60 тонна ўрнига 9 тонна; узум 70 тонна ўрнига 6 тонна ва ҳоказо. Шунга ўхшаш кўрсаткичларни Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари мисолида ҳам келтириш мумкин.

Шартномаларнинг мана шундай тартибда қўпол бузилиши, жойларда аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашга, савдо-сотиқ режаларини тартибли боришига ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бободеҳқонларимизнинг, миришкор соҳибкорларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган мева-сабзавотлар, полиз экинлари нес-нобудсиз, сифатли ҳолда эл дастурхонига армуғон этилиши лозим. Бу ишда турли баҳоналарни рўкач қилиб, сансалорликка йўл қўйиш деҳқонларимизнинг бебаҳо меҳнатларини менсимаслик билан тенгдир. Бунга эса йўл қўймаслигимиз зарур.

Р. ҲУСАНОВ,
Жумҳурият Халқ назорати қўмитаси ходими.
Р. ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар халқ назорати қўмитаси ходими.

02 хабар қилади:

«Хазина ҳисобидан олиб бораман», — деб ўйларди И. Юсупов темир йўл вагони ҳужжатини тўлдирар экан. У Андижон вилоятининг Хўжаобод ноҳиясидаги консерва заводида омбор мудири бўлиб ишлайди. Доғули фақат жонажон заводи тайёрлайдиган маҳсулот — тарвуз шарбати билан сабзавот консервалари ўрнига вагонга ўн саккиз тоннадан кўпроқ олма ва тарвузни ортди. Транспорт милицияси БХСС ходимлари аралашмаганларида вагон шимолдаги узоқ Мантурово станциясига жўнаб кетган бўларди. Натижада бу омбор мудири фойдани ҳисоблаш ўрнига, терговчи олдида жавоб берадиган бўлди.

* * *

Қуролланган кишиларнинг қароқчиларча ҳужуми — Олмалиқ мис қуйиш заводининг қуювчиси фуқаро Х.га қилинган ҳужум шундай таърифланади.

...Тўрт эркак ва бир аёл Х.га мурожаат этишиб, унинг «Жигули» машинасида Тошкентга олиб бориб қўйишини илтимос қилишди. Олмалиқ — Тошкент йўлига чиқиб олишгач, қуювчининг курагига пичоқ санчишди, пастликка улоқтириб, ўзлари йўлда давом этишди. Қидирув натижасида икки безори ва ўша аёл ушланди, қолганларини эса қидиришмоқда. Жабрланган киши даволанмоқда.

«Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси Хоразм вилоят бўлими раиси Улуғбек Собиров билан мухбиримиз мулоқоти давлат режаларининг бажарилиши, кўрсаткичлар кўргазмаси ҳақида эмас. Гап... яхшиси ўқиб кўринг, ҳаммасини билиб оласиз.

ИМКОНИЯТЛАР ДАРАЖАСИДА

— Улуғбек, мана икки соатки, суҳбатлашаяпмиз воҳа ёшларини хорижий элларга, Иттифоқимизнинг гўзал масканларига, ёшлар оромгоҳларига жўнатишнинг борилиши, режаларнинг қай тарзда бажарилиши, айрим комсомол қўмиталарининг бу масалада масъулият ҳис этмаслиги, бирор «бели бақувват» капиталистик давлатга йўлланма бўлса, таниш-билишларнинг тиқиштириш учун елиб-югуришлари... Кўп нарса ойдинлашди. Энди суҳбат мавзусини янада долзарброқ томонга бурсак, кетувчилар ҳақида эмас, келганлар ҳақида гаплашсак. Ахир Хоразм—бу қадим маскан. Биргина Хивани кўришга иштиёқмандларнинг сони миллион...

— Маълумот учун: «Спутник» халқаро ёшлар саёҳат бюроси жаҳоннинг етмиш мамлакатидаги икки юздан ошиқ саёҳат фирмалари билан алоқа қилади. Саёҳатчиларнинг келишлари ҳам шунга яраша. Ўтган йили биргина капиталистик мамлакатлардан саккиз гуруҳ саёҳатчиларни қабул қилдик.

Бизнинг воҳадаги саёҳат йўналиши тубандагича: аввало, «Урганч — замонавий шаҳар» мавзусида марказдаги эътиборга лойиқ жойлар кўрсатилади. Суратлар кўргазмаси кўздан кечирилади. Кейин ўқув юртлари талабалари билан хорижий ёшларнинг бир пиёла чой устида фикр алмашувлари бўлиб ўтади. Сўнгра Хивага саёҳатга борилади. Музей-қўриқхонанинг бир қисмидаги қадимий археологик, меъморчилик ёдгорликлари зиёрат қилинади.

Шунингдек, йўналишимизга Боғот ноҳиясидаги Нариманов номли жамоа хўжалигининг ёрдамчи хўжаликлари, музейи, санъат саройи, Туямўйин сув омбори киритилган. Саёҳатчилар қадимги ва бугунги Хоразм тўғрисида шу тарзда бир мунча маълумотга эга бўладилар...

— Саёҳат йўналиши чегараланган экан. Бўлмаса, қадим Хоразм маданиятининг ҳамон мавжуд бўлган ёдгорликларидан талайгинаси сақланган. Айтайлик, Кўҳна Урганч, қадим қалъалар...

— Саёҳатчилар айнан Кўҳна Урганчни томоша қилишни исташади. Аммо ҳозирча бунинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ.

«Чегараланган» йўналишдан чиқадиган пайтларимиз саёҳатчиларни Хива яқинидаги Шўрқўлга, Амударёга олиб борамиз. Айнан, шу йўналишда қўшимча саёҳат учун тўланган пул эса бизнинг ҳисобга тушади.

— Умуман, саёҳатчилардан олинадиган маблағ-чи?

— Валюта демоқчисиз-да. Улар қанча тўлашади, пул биланми, валютами... буни ёлғиз Москвадагилар билади.

— Шароит кундан-кунга ўзгариб турибди. Келгусида яна «чегаралардан» чиқиш режаларингиз борми?

— Биласизми, Орол денгизи қуриб бориши билан жаҳон жамоатчилигининг диққати денгизга кўпроқ қаратилмоқда. Саёҳатчилар денгизга олиб боришимизни сўрашади. Гарчи, ҳозирча имкониятимиз бўлмаса-да, тез кунларда Урганчдан АН-2 тайёрасида денгиз устидан бир соатлик саёҳат йўналишини ташкил қилиш режамиз бор. Аэрофлот билан музокара олиб борилмоқда.

Яна бир қувонарли нарса: Шовот ноҳиясидаги «Зарбдор» давлат хўжалигида қадим юртимиз манзарасини акс эттирувчи маскан бунёд этмоқчимиз. Яъни у ерда ўтовлар тикланади, қайиқда балиқ овланади. Сўнгра қум ичида Хивага қараб туяларда — карвон бўлиб йўлга чиқишади. «Карвон йўли» ўттиз чақирим бўлиб, саёҳатчилар уни бир кунда босиб ўтишлари мумкин... «Карвон йўли» кейинги йилдан бошлаб хизмат кўрсата бошлайди. Бу Хиванинг табаррук 2500 йиллик тўйига бизнинг хизмат ҳиссамиз бўлади.

— Хиванинг уч йилдан кейин жаҳон миқёсида нишонланадиган тўйини айтдингиз. Бу даврда саёҳатчилар оқими кескин ошиб бориши кутилади. Уларни қабул қилиш, хизмат кўрсатиш шарт-шароитларингиз қандай?

— Қийин, кўп қийин. Ҳозирнинг ўзида бир гуруҳга хизмат кўрсатиш учун қанча жабр тортамиз. Гоҳ автобус масаласи, гоҳ меҳмонхона масаласи, гоҳ валюта масаласи ўртага чиқади. «Урганч» меҳмонхонаси биздан валюта сўрайди. Қайда? Хонқа шаҳридаги меҳмонхона. Урганчдаги «Олимпия» меҳмонхонасидан фойдаланамиз. Хива шаҳридаги меҳмонхоналар эса талабга мутлақо жавоб бермайди.



Дарвоқе, маҳаллий ҳукуматдан «Олимпия» меҳмонхонасини ижарага сўраганмиз. Ҳатто таъмирлашни зиммамизга олгандик. Беришмади.

Яна бир гап: ҳозирда турли ширкатлар кўпайиб кетди. Гарчи, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг шу йилги 168-қарори еттинчи бандида ширкатларга хорижий саёҳат хизмати билан шуғулланиш қатъий тақиқланган бўлишига қарамасдан, амалда шу иш билан валюта тўплашга ўтганлар бор. Улар ишимизга халақит беришмоқда.

— Бўлим хўжалик ҳисобида. Маблағ масаласи қандай? Тижорат билан шуғулланиш имкони йўқми?

— Моддий қийинчилик хорижий ва Иттифоқимизга жўнатишимиз керак бўлган ёш саёҳатчиларни вақтида тўплай олмаслик натижасида тўлайдиган жариманинг катталигидан келиб чиқади. Ноҳия комсомол қўмиталари билан битта йўлланмани бирор илғор ёшга бериш тўғрисида салкам «жанг» қилишимизга тўғри келадиган пайтлар бўлади. Баъзида айрим социалистик мамлакатларда рўй бераётган сиёсий воқеалар туфайли ҳеч ким у ёққа боришни истамайди. Чўчийди. Тепадагилар эса буни тушунишни истамайдилар.

Ёшлар дам олиш оромгоҳларига боришни истовчилар кўпчилик. Йўлланма эса саноқли, кам беришади.

Тижорат масаласида айтишим керак, шаҳар ижроқўми билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида кабелли ойнаи жаҳонни ишга туширмоқчимиз. Фаолият билан Ёшлар марказ шуғулланади. Ҳозир ускуналар олиб келинмоқда. Йил охиригача ишга тушиш кўзланган. Кейинчалик воҳанинг барча бурчакларига бу янгиликни тадбиқ қиламиз.

Рўзимбой ҲАСАН
суҳбатлашди.

Виждон эркинлиги—олий қадриятимиз

Диний ва нафақат диний миссия

Ислом оламида машҳур муҳаддислардан бири ҳадис, тарих ҳамда кўплаб бошқа фалсафаларга бебаҳо асарлар яратган имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Учрашувни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари динийа бошқармасининг раиси муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммад ЮСУФ очиб, оммавий ахборот воситалари вакилларига улуғ зотнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўла қониқарли маълумот берди.

— Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим! Аввало таклифимизни қабул қилиб, учрашувга келганингиз учун бошқармамиз номидан шахсан ўзимнинг номимдан ташаккур изҳор қиламан, — деди у ўз сўзида. — Йиғилишимиздан мақсад яқинда бўладиган муҳим воқеа — дунё мероси, инсониятнинг маданий ва айниқса диний меросига катта ҳисса қўшган, Ислом оламида машҳур уламо имом Термизийнинг 1200 йиллик таваллудига бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференция хусусида жамоатчилигимизни хабардор қилиш. Биз бу ҳақда кўпдан ўйлаб юрардик ва диний идорамиз, олий ҳайъат, уламолар кенгаши ўтган йил баҳор ойи қарор қабул қилганлигига қарамай Москва — Вазирлар Кенгаши қошидаги диний ишлар бўйича кенгаш совуққонлик билан иш тутгани учун анжуман шу вақтгача орқага суриб келинди. Биз Ўзбекистон ҳукуматига ташаккуримизни билдирамизки, у ерга мурожаат қилганимиздан сўнг жумҳурият Вазирлар Кенгаши Раиси ўртоқ Шукрулло Раҳматович Мирсаидовнинг 12 банддан иборат фармойиши чиқди. У ерда мазкур анжуманни ўтказиш юзасидан батафсил фармойишлар берилган.

Имом Термизий 209 хижрий санада — 824 милодий йилда Термиз шаҳрида таваллуд топганлар. Ёшлик чоғларидан илмга, хусусан ҳадис илмига катта ихлос қўйганлар. Ул зот 26 ёшлариданоқ Ислом дунёсининг турли шаҳар ва мамлакатларига сафар қилганлар, Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа жойларда бўлиб, машҳур муҳаддислар, уламолардан таълим олиб, катта илм тўплаш шарафига муяссар бўлганлар. Ўзларига номаълум янги-янги ҳадисларни тўплаб, ўрганиб ҳамда ҳар бир ҳадис шарифнинг иснодни ва аслини тадқиқ этиб, аниқлагачгина ўзларининг машҳур «Жомеъус Саҳиҳ» китобларини ёзадилар. «Жомеъус Саҳиҳ» ёки «Сунан Термизий» деб аталмиш ушбу китоб Қуръону каримдан сўнг мўътабар ҳисобланган Сиҳиҳ ситта қаторида ўрин олиб, мусулмонлар ўртасида жуда катта эътибор қозонган ва ҳозир ҳам бу китобдан Ислом ўқув даргоҳларида муҳим асар сифатида фойдаланилмоқда. Ул зотнинг яна бир китоблари «Китоб ат тарих» бўлиб, унда нафақат тарих илмига, балки инсоний илмларга асос солинган. Яна бир китоблари «Китоб аз Зуҳд» тақводорлик, энг юксак инсоний фазилатларга бағишланган. Имом Термизийнинг аксарият асарларида пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари, шахсларга тегишли ҳислатлар ўрин олган. Биз мўътабар сана туфайли уларнинг айримларини она тилимизга таржима қилиб, халқимизга тақдим этмоқчимиз. Мақсад — халқимиз ўз тарихини билсин. Ота-боболаримиз қолдириб кетган жуда катта илмий, диний меросдан фойдаланиб, бугунги муаммоларни ҳал қилайлик, ижтимоий иллатларга қарши курашайлик. Иншоолло анжуманимизда дунёнинг турли ерларидан келган, кўзга кўринган уламолар шу масалаларда маъруза қиладилар.

Конференцияни ўтказиш учун тайёрлов гуруҳи тузганмиз. Хорижий эллардаги дин арбобларига таклифномалар юбордик. Ҳозир ижобий жавоблар келмоқда. Ҳатто таклиф қилинмаган кишилардан ҳам «мани ҳам боришимга рухсат беринг», деган мазмунда хатлар олиб турибмиз.

Шунисини ҳам айтиш кераккки, конференция фақатгина диний бўлиб қолмайди. Ёзувчи, тарихчи, олиму уламоларни ҳам, масалан, Эркин ака Воҳидов, Қирғизистондан Чингиз Айтматов, Қозоғистондан Ўлжас Сулаймонов, Тожикистондан Шерали Лойиқ, Туркманистондан Отаевни таклиф қилиш ниятимиз бор. Конференциядан илгаригидек фақат иштирокчилар хабардор бўлиб, кенг жамоатчилик, халқимиз бехабар қолмаслиги учун уни сайёр тарзда ўтказмоқчимиз. Қатнашчилар Тошкентда, Душанбеда, Термизда халқ билан учрашиб, маърузалар қиладилар.

Анжуман арафасида катта ишларни бошлаб юборганмиз. «Совет Шарқи мусулмонлари»нинг махсус сонини чиқариш мўлжалимиз бор. Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарори билан Сурхондарё вилояти Шеробод ноҳиясидаги имом Термизий обидаси таъмирланаяпти. Матбуот конференциясидан сўнг вакилимиз Сурхондарёга жўнайди. Агар иш белгиланган муддатда тугамайдиган бўлса, маҳаллий ҳокимият билан биргаликда қўшимча чоралар кўрамиз.


Шундан сўнг муфтий ҳазратлари матбуот вакилларининг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди. Хусусан яқинда Покистонга бўлган сафар мақсади ва натижалари ҳақида шундай деди:

— Сафар ғояси мужоҳидлар қўлидаги асир йигитларимизни озод қилиш тўғрисида бир битимга келишдан иборат эди. Биз ҳажда эканлигимиз пайтида мужоҳидларнинг таниқли раҳбарларидан бири олдимизга келиб, юртимизга қайтгач бу масала борасида Покистонга сафар қилишимиз мумкинлигини билдирганди. Биз ҳаждан келишимиз биланоқ бир делегация бўлиб Покистонга жўнаб кетдик. Бизни жуда яхши кутиб олишди. Турли кишилар билан суҳбатларда улар Ўрта Осиёни устоз деб билишлари, уларнинг ота-боболари бизнинг ота-боболаримиздан таълим олганлари ва шу қарзни унутмаганликларини айтдилар. Биз жуда кўп нарса тўғрисида суҳбатлашдик, Халқаро Ислом институти билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздик.

Лекин сафаримиздан асосий мақсад, ҳали айтганимдек, мужоҳидлар раҳбарлари билан учрашиш эди. Тўғрисини гапирадиган бўлсак, кўп тўсиқларга дуч келдик. Бизни бу йўлдан қайтаришга уринишди. Лекин шундай бўлса ҳам биз барибир қаттиқ туриб талаб қилганимиздан кейин учрашишга муваффақ бўлдик ва кўпгина масалалар бўйича ўзаро фикр алмашдик.

Ўйлаймизки, сафаримиз муваффақиятли ўтди. Бу масала тўла-тўкис ҳал бўлиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

Фурқат НЕЪМАТ.



Сурхондарё вилояти маданий халқ ёдгорликларига бой ўлка. Жумладан, бугунгача сақланиб қолган Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий мақбараси, Жарқўрғон минораси ўзининг кўҳна тарихига эга.
СУРАТДА: Жарқўрғон минораси.
Сураткаш Муҳаммад АМИН.

НОДИР ТОПИЛМАЛАР

Совет Маданият фондининг Хоразм вилоят бўлими хайрли ишга қўл уриб, 1990 йилни нодир китоблар ва эски қўлёзмаларни излаб топиш йили деб эълон қилди. Бу ишга воҳамиз тарихи ва маданиятини мукаммал биладиган жонкуярлар, кекса журналист Маткарим ака Худойберганов, шоирлар Раҳим Бекниёз, Бодил, Эркин Мадраҳимов, Фозил Зоҳид ва вилоят бош имом — хатиби Ҳожи Аҳмаджон ибн Саид ибн Раҳматилло ўғли бошчилик қилмоқдалар.

Излаш ва изланишларнинг дастлабки натижалари қувончли бўлмоқда. Хонқа ноҳия масжидининг мутавалли-имоми шайх Муҳаммад Отаулло ўғли фонд ихтиёрига эски ўзбек ва форс ёзувида битилган икки дона нодир китобни ҳадя этди. Мазкур китоблардан бири ҳижрий 988 йилнинг Зулқаро (ноябрь) ойида форс-тожик тилида ёзилган. «Рисолаи Маҳдум Аъзам Косоний» («Косонлик Аъзамнинг рисола китоби») номли 371 саҳифали китобидир.

Туҳфа этилган китобларнинг яна бири улуғ ўзбек мутафаккири Мир Алишер Навоийнинг лирик ғазаллар девонидир. Девон 410 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифада 2-3 тадан жами 1200 ғазал бор. Асарнинг боши ва охирги варақлари йўқлиги туфайли қачон ва ким томонидан кўчириб китоб ҳолига келтирилганлиги маълум эмас.

Яна бир нодир китоб қўқонлик марҳум китобсевар Носиржон Маҳсум Саиджон ўғлининг шахсий кутубхонасидан олинган Ҳазинийнинг «Баёз» тўпламидир. Мазкур китоб ҳижрий 1328 йили Тошкент шаҳридаги Ғ. Орифжоновнинг хусусий литографиясида (тош босмада) ўзбек ва тожик тилларида чоп этилган. Баёз Камий Шоший томонидан нашрга тайёрланган. Қўлимиздаги Ҳазиний «Баёз»ининг қимматли томони шундаки, бу тўплам 240 саҳифадан иборат бўлиб, Мунис ва Комил Хоразмийларнинг 20 та ғазали ва шу пайтгача номлари номаълум бўлган Занги ота, Нодим, Хўжа Жаҳон Бухорий, Абул Ғофир, Хартумий, Хилут Хужузий, Шўхий, Муҳаммад Юсуф Сармоий, Ғаппор Махфиратий, Рақибий каби шоирларининг ғазалларидан намуналар киритилган.

Кутубхонамиз кундан кун бойиб бормоқда, Ўйлаймизки, мазкур топилмалар мутахассислар томонидан чуқур ўрганилади ва вақти келиб шеърият мухлисларини бағоят хурсанд қилади.

К. НУРЖОНОВ,
Совет Маданияти фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари.


Ёз. Юртимизда тўкин-сочинлик. Бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзини топиш маҳол. Лекин яна бир гавжум жой бор — консерва заводлари. Бободеҳқоннинг, соҳибкорларимизнинг пешона терлари эвазига етиштирилган мева-сабзавотлар нес-нобудсиз эл дастурхонига етиб бориши кўп жиҳатдан шу заводларнинг фаолиятига боғлиқ. Жумҳуриятимизда бундай заводларнинг шохобчаларини кўпайтириш, уларнинг қувватини ошириш бугунги кунда заруратга айланган.

Андижон консерва заводидаги ўзгаришлар ана шу мақсадда айни муддао бўлди. Заводда янги тармоқлар ишга туширилди. Энди мева-сабзавот ортган карвонлар завод дарвозаси олдида соатлаб навбат кутмайдилар. Чунки завод кунига 500 тоннагача маҳсулотларни қабул қилиш имкониятига эга. Завод йилига 87 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқаради.

СУРАТЛАРДА; завод ишчиси Мукаррам Дўрмонова; (пастда) саралаш линиясида.



Аъзамжон МИРЗАЖОН суратлари.



Жумҳурият янгиликлари

Қашқарда яшаб ижод этган халқ шоири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари яратилганига 920 йил тўлиши муносабати билан қардош Қирғизистон жумҳурият Ўш вилоятининг Ленин ноҳиясидаги Ҳамид Олимжон номли 29-сон ўрта мактабда кеча бўлиб ўтди. Кечада вилоятнинг турли ноҳияларидан меҳмонлар қатнашишди. 29-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Ибодатхон Ҳасанохунова ва бошқа маърузачилар «Қутадғу билиг»нинг яратилиш тарихи ва адабиётимиздаги ҳозирги ўрни, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар. Ундан сўнг Ўш шаҳридан ташриф буюрган шоирлар Қўлдош Мирзо, Одил Умаров ва «Ёш ижодкорлар» тўгарагининг аъзолари мушоирани бошлаб беришди.

Умиджон МАМАТОВ.

* * *

Деновдаги 165-қурилиш трестига қарашли Гагарин номли кашшофлар оромгоҳи шу кунларда ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда бинокорларнинг фарзандлари ором олишмоқда. Лагерда турли спорт беллашувлари, қизиқарли конкурслар уюштирилмоқда.

Оромгоҳ кутубхонасидан ҳам ўқувчилар аримайди. Бу ерда 1200 га яқин турли мавзулардаги адабиётлар мавжуд бўлиб, бу китоблар болалар ихтиёрига бериб қўйилган. Лагерь отряд етакчилари, тарбиячилари болаларнинг кўнгилли ҳордиқ олишини таъминламоқда. Абдураҳим Сафаров, Ислом Ҳасанов, Алла Валериялар етакчилик қилаётган отрядлар оромгоҳ фахри ҳисобланишади.

М. МАВЛОНОВ.

УМР ЙЎЛЛАРИ

Урушдан кейинги йиллар. Болалик вақтимиз. Мактабда ўқирдик. Бир куни синфдошим Ғуломқодир мактабга ҳарбий бош кийим кийиб келди. Катта бўлганидан унинг пешонасини беркитиб, қулоғини босиб турарди. Ҳаммамизнинг ҳавасимиз келиб, бирма-бир кийиб кўрдик. «Қаердан олдинг, кимники, менга бермайсанми?» дея уни ҳол-жонига қўймадик.

— Буни менга Фахриддин акам эсдаликка бердилар. Сталинград урушини кўрган бу шапка. Ҳеч кимга бермайман, — деб қўлимиздан олиб, бағрига босди. Кейин бир ҳовуч ҳарбий кийимга тақиладиган сариқ, кумуш рангдаги катта-кичик юлдуз ҳамда унинг шакли туширилган думалоқ, ялтироқ тугмаларни чўнтагидан чиқариб, ўртага қўйди.

— Марҳамат, керак бўлса олинглар, — дея илтифот кўрсатди.

Ҳаммамиз бу камчил нарсаларни талашиб-тортишдик. Менга ҳеч нарса тегмагани учун хомуш туриб қолдим. Буни сезган Ғуломқодир кўнглимни кўтарган бўлди:

— Ма, ҳозирча шапкани кийиб тур, дарсдан кейин мен билан уйимизга борсанг, сенга ҳам ўзим олиб қўйган бир-иккита юлдузчадан бераман. Кейин сенга акам совға қилган дурбинни ҳам кўрсатаман.

Мен суюниб, ўртоғим узатган шапкани дарҳол бошимга қўндирдим. Анча вақтгача уни ечгим келмай, айвончасидан оҳиста ушлаб, у ёқ бу ёққа айлантириб кийиб кўрдим. «Эх, менинг амаким ҳам урушдан тезроқ келсалар эди, шапкаларини кийиб юрардим», дея чуқур хўрсиниб қўйдим.

Кейин «Сталинграддаги урушни бу шапка қандай қилиб кўрган экан, ёки кўзи бормикан-а», деб шапкани қўлимга олиб, у ёқ бу ёгини айлантириб қарадим. Пешона томонида фақат қизил юлдуз тақилган. Икки чеккасида эса сариқ тугмача бўлиб, уларни қора ялтироқ тасмача бирлаштириб турарди. Юлдузчада ҳам, тугамачада ҳам, тасмачада ҳам ҳеч қандай кўз йўқ эди. Ички тарафини ҳам обдон кўриб чиқдим, ҳатто ҳидлаб ҳам кўрдим. Қандайдир атирми, терми бир нарсанинг ҳиди анқирди. «Шапкаси бутун бошли Сталинград урушини кўрган бўлса, дурбини бемалол Берлинни кўрсатса керак» деб ўзимча ҳайрон бўлиб хаёл сурдим.

Дарсдан кейин Ғуломқодир билан уйига бордик. Зангиота маҳалласида дорихона ёнидаги кўчада туришаркан. Йўлда у менга акасининг урушда қатнашгани-ю, Сталинградда жанг қилаётгани, Совет Армиясининг зобити эканлигини, ҳозир эса дам олишга келганини ифтихор билан гапириб берди.

Биз ҳовлига кирганимизда баланд бўйли, қорачадан келган, озғингина киши гулларга сув қуйиб юрарди. Олдинма-кетин салом бердик.

— Ваалайкум ассалом, баракалло, — деди у киши саломимизга салмоқли жавоб қайтариб. Кейин қўшиб қўйди. — Ҳа, ўқишдан келдингларми, овқатланиб олинглар.

— Бу Фахриддин акам, — деди ўртоғим қулоғимга секин. Кейин:

— «Шу ерда бир пас туриб тур», — деб мени пешайвон олдида қолдирди-да, ўзи ичкарига кириб, ваъда қилгани бир-иккита юлдуз ҳамда ойна кўзлари катта-катта ингичка тасмали дурбинни кўтариб чиқди. Биз пешайвонда туриб, худди баланд тепаликда бошига шапка кийиб, дурбин билан ҳаммаёқни диққат билан назорат қилаётган чегарачидек атрофни кузата бошладик. Дурбинни биринчи марта кўрганим ва қўлга олганим учун уни узоқни яқин, ва аксинча яқинни узоқ қилиб кўрсатиш хусусиятига қойил қолдим. Дурбинни кўзимга яқинлаштириб ариқдаги сувда юз-қўлини юваётган Фахриддин акани кузата бошладим. Унинг сочи каби қош-кўзлари ҳам қоп-қора, қарашлари жиддий, юзлари чўзиқроқ, лаблари қалингина экан.

Мен ўша куни Фахриддин акадан шапкасининг қандай қилиб Сталинградда уруш кўрганини сўраб суриштиролмадим, мени жуда салобати босган эди ўшанда.

Орадан йигирма беш йил ўтгач, 1974 йили Тошкент Медицина институтининг мажлислар залида Ғалаба куни олдидан талабаларнинг ветеранлар билан бўлган учрашувида қадди-қомати келишган, сочлари оппоқ, кўкси орден ва медалларга тўла тиббий хизмат полковниги Фахриддин Илҳомович Бобожоновни кўриб қолдим. Кўпчиликнинг илтимосига кўра, ўз жанговор фаолиятини гапириб бериш учун минбарга чиқди. Фахриддин ака йўғон, жарангдор овоз билан бир-икки оғиз сўзлаши биланоқ беихтиёр болалигимдаги шапка, дурбин хаёлимда жонланди. Худди йўқотган нарсасини топган одамдек, унинг ҳар бир сўзини жон-дилим билан тингладим.

— Мен 1938 йилда ТошМИнинг даволаш факультетига кирдим. Уруш бошланганда бир гуруҳ ўртоқларим билан ўқишни Саратов ҳарбий тиббиёт академиясида давом эттиришга тўғри келди. 1942 йили урушга кирдик. Жанговор йўлим Жанубий фронт фаолияти билан боғлиқ. Кейинчалик бу фронт Сталинград номи билан атала бошлади. Хотирамда Волгабўйидаги Сталинград учун олиб борилган ҳаёт-мамот жанги қаттиқ муҳрланиб қолган...

Волга бўйидаги мардонавор жангда жанговар синовдан ўтган Фахриддин Бобожонов полк тиббиёт пункти врачи даражасидан дивизия тиббий хизмати бошлиғи лавозимигача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Кейинчалик 1955 йилда Ленинграддаги Киров номли ҳарбий тиббиёт академиясининг икки йиллик қўмондонлик факультетини тугатиб, СССР Қуролли Кучларининг турли бўлинмаларида хизмат қилди. 1967-1974 йиллари ТошМИ ҳарбий кафедраси бошлиғи ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб, ўқув жараёнини яхшилаш, соғлиқни сақлаш муассасалари учун юқори малакали ходимлар тайёрлашда фаол иштирок этди.

Ҳозирги кунда у киши ТошМИ клиникалари қошидаги тиббиёт билим юрти ҳарбий тиббиёт тайёргарлиги курси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатаяпти.

Искандар РАҲМОНОВ,
СССР Қуролли Кучлари ветерани, ҳарбий врач.

Хорижлан хабарлар

Телетайп лентасидан

БОНН. Ғарбий Германия сиёсий арбоблари СССР билан ГФЖ ўртасида бундан роппа-роса 20 йил илгари имзоланган Шартномага юқори баҳо беришмоқда. Мазкур Шартнома Германия Федератив Жумҳуриятининг Совет Иттифоқи билангина эмас, Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар билан бўлган муносабатларидаги кескинликни юмшатишга асос солган эди.

Москва Шартномаси халқаро ҳамда Европа миқёсида Хельсинки Кенгашига замин яратганди, деди ГСДП ҳайъатининг аъзоси Эгон Бар Парламентариш-Политишер прессединст ахборотномасининг мухбири билан суҳбатда. Худди шу киши ўша вақтдаги ҳукумат бошлиғи Вилли Брандтнинг топшириғига биноан ушбу Шартномани ишлаб чиқишда бевосита қатнашган эди. Москва Шартномасига асос солинган, кейинчалик Хельсинкида давом эттирилган кескинликни юмшатиш сиёсати, деб таъкидлади Бар, совет раҳбари Михаил Горбачев ўзи ўтказа бошлаган ташқи сиёсий йўлида таянган пойдевор бўлди. Эндиликда давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинликни юмшатиш асосида ўрнатиш керак бўлур эди, куч ишлатишдан воз кечиш эса энг олий мақсад бўлиб қолиши керак.

Энди икки герман давлатини бирлаштириш натижасида янги тарихий босқич бошланмоқда, деб сўзида давом этди Бар. СССР билан Бирлашган Германия ўртасида янги Шартнома тузилиши мутлақо мантиқий бўлади.

БРЮССЕЛЬ. Америка Қўшма Штатларининг Бельгия пойтахтида турган давлат секретари Ж. Бейкер СССР элчиси Н. Н. Афанасьевскийни қабул қилди ва у орқали СССР ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе учун Шимолий Атлантика уюшмаси кенгашининг ташқи ишлар вазирлари даражасида Форс кўрфазидаги тангликка бағишланиб бу ерда ўтказилган махсус сессияси тўғрисидаги ахборотни топширди.

Давлат секретари рўй бераётган воқеаларга Американинг муносабатини баён этди. Совет томони Форс кўрфазидаги ҳозирги вазият янада каттароқ ҳарбий можарога айланишига йўл қўймаслик учун сарфланаётган куч-ғайратларнинг муҳимлигини таъкидлади.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги етакчи оммавий ахборот воситалари Ироқ Қувайтга бостириб кириши муносабати билан Саудия Арабистонига олиб келинаётган Америка қўшинларининг ҳаракатларини ёритиш учун у ерга журналистлар киритилишини талаб қилмоқда. Улар Пентагон 1986 йилдаёқ ҳарбий ҳаракатларни ёритиш учун журналистлар гуруҳини тузишга рози бўлганлигини, бунда махсус журналистлар гуруҳи махфийликнинг барча зарур талабларига риоя этишлари шарт қилиб қўйилганлигини эслатмоқдалар. Бу ишда энг катта ахборот агентликлари, телевидение ва радиокомпаниялари, газета ва журналларнинг репортерлари навбатма-навбат қатнашишлари мумкин бўлур эди. Бу қарор расман бажарилган эди, лекин журналистлар ўз қаламларини ҳалигача ишлатганлари йўқ. Амерка репортерларидан бирортасини Форс кўрфази соҳилларига йўл олган кемага ҳам чиқаришмади.

ОТТАВА. Канада Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадиган тадбирлар кўрди. Ташқи ишлар вазири Жо Кларк ва ташқи савдо вазири Жон Кросби қўшма мажлисда Канада компаниялари экспорт қилиш учун алоҳида рухсат олишлари зарур бўлган моллар рўйхати 40 фоиз камайтирилишини айтдилар. Кўплаб шахсий компьютерлар, телекоммуникация ускуналари ҳамда бошқа юқори технологияли молларни сотиш тақиқланмайдиган бўлди.

Баёнотда таъкидланишича, «бундай ўзгаришлардан мақсад Совет Иттифоқи ҳамда Шарқий Европа билан савдо-сотиқни кенгайтиришга кўмаклашишдан», Канада савдо-сотиқ доираларига «ҳозир у ерларда рўй бераётган қайта қуриш жараёнида янада тўлароқ қатнашиш» имкониятини беришдан иборат.

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат стратегик нефть резервларидан фойдаланишдаги ўз ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги фармонга қўл қўйди. Ҳужжатга биноан, маъмурият бошлиғи шу йилнинг 15 сентябригача мазкур резервларни тасарруф этиш ҳуқуқини олади.

Президент тасдиқлаган қарорни АҚШ конгресси ўтган ҳафтада шоша-пиша қабул қилди. Чунки Ироқ Қувайт ҳудудига бостириб кириши натижасида Қўшма Штатларга нефть келтирилишига маълум даражада таъсир қилиш хавфи бор эди, маълумки ана шу нефть ҳисобидан мамлакатнинг энергияга бўлган кўпгина талаблари қондирилмоқда. Гап шундаки, Президентнинг ёнилғининг бу запасларини тасарруф этишдаги ваколат муддати 15 августда тугайди, қонун чиқарувчилар эса сентябрь ойининг бошларидагина таътилдан қайтиб келадилар.

Америка Қўшма Штатларида стратегик нефть резервлари Араб мамлакатлари 70-йилларда нефть эмбаргосини қўллаганликларига жавобан ташкил этилганди. Ҳозир Қўшма Штатларда Техас ва Луизиана штатларининг соҳил бўйларида 20 миллиард доллардан ошадиган 580 миллион баррелга яқин хом нефть сақланмоқда.

МАНАГУА. Сандиночиларнинг касаба уюшмалари Никарагуада янги ижтимоий можаро чиқаришга уринаётганлари йўқ, улар ҳал этилмаган иқтисодий муаммолар муносабати билан мамлакатда тобора кучайиб бораётган тангликни бартараф этиш йўлларини ҳукуматга кўрсатиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Меҳнаткашлар миллий фронтининг раиси Лусио Хименес бу ерда журналистлар билан учрашувда шуларни маълум қилди. Меҳнаткашлар миллий фронти июль ойида давлат хизматчиларининг умуммиллий иш ташлашини уюштирган, натижада жумҳуриятда кескин ижтимоий танглик юзага келганди.

Хименес ҳукумат Меҳнаткашлар миллий фронти билан тузилган ва июль иш ташлашларига хотима берган битимни бажармаётганлигини айтди. Ҳукумат бу билан янги иш ташлаш учун шароит яратишга холисона кўмаклашмоқда, иш ташлаш ўтказиладиган бўлса, у аввалги ойда бўлган иш ташлашга нисбатан янада каттароқ кўлам касб этиши мумкин.

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш Қувайт амиридан хат олди, унда АҚШ ҳукуматидан «БМТ Ироқ ва Қувайтга қарши белгилаган иқтисодий жазо чоралари дарҳол ва фаол қўлланилиши учун зарур чораларни кўриш» илтимос қилинган. Оқ уй матбуот бўлимининг Президент Буш дам олаётган Мэн штатидаги Кеннебанкпорт шаҳрида тарқатилган баёнотида шу ҳақда гап боради. Баёнотда Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этиш юзасидан қўйган шартлар қатъий рад этилади ва АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан биргаликда «Ироқ қўшинларининг Қувайтдан, дарҳол ва бутунлай сўзсиз олиб чиқиб кетишга ҳамда Қувайтнинг қонуний ҳукуматини тиклашга чақираётганлиги» таъкидланади. Ироқ ўртага қўяётган «шартлар ва дўқпўписалар» дейилади ҳужжатда, эътиборни бу мамлакат яккаланиб қолишидан чалғитишга уринишдир.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ ТАКЛИФИ

ҚОҲИРА. Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Форс кўрфазидаги ҳозирги тангликни бартараф этишга территорияларни чет эл қўшинлари босиб олиши натижасида Яқин Шарқда вужудга келган бошқа муаммоларни ҳал қилишни шарт қилиб қўйди. У Ироқ телевидениеси орқали ўқиб берилган баёнотида, жумладан Ироқ Қувайтни оккупация қилиб туришини тўхтатиш эвазига бир вақтнинг ўзида Исроил қўшинларини босиб олинган Араб территорияларидан, Сурия бўлинмаларини Ливандан олиб чиқиб кетишни таклиф қилди. Шунингдек, Ироқ Президенти Саудия Арабистонига келтириб қўйилган Америка бўлинмаларини арабларaро қуролли кучлар билан алмаштиришни таклиф этди. Бундай кучларнинг сони ва қаерда жойлаштирилишини БМТ хавфсизлик кенгаши белгилаб бериши мумкин.

ТУЗАТИШ

Рўзномамизнинг 10 август сони иккинчи саҳифасидаги «Фотиҳлик» мақоласининг тўртинчи устун пастдан 39-сатридаги «келтирасиз» сўзидан кейинги жумлалар қуйидаги таҳрирда ўқилсин: «...Қувайтда тўкилган қоннинг Фарғонада, Ўшда, Паркентда оққан қирмизи хундан қанақа фарқи бор? Ҳеч қандай! Бир дин, ягона мазҳабга мансуб одамлар томирида кўпирган бир рангдаги қон бу!»

Давоми матн бўйича ўқилади.

«ЮЛДУЗ» БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Ҳаёт қизиқ. Кутилмаган мўъжизаларга бой;. Кечагина дугоналари билан ўқиш, яхшироқ кийиниш ташвишлари ҳақида бош қотириб юрган нозик-ниҳол қизча бугун дунёга машҳур қўшиқчи. Кечагина бир сиқим долларини асраб-авайлаб киссасига яшириб юрган қиз бугун бой-бадавлат аёл.


Мадонна... У ҳозир ана шу ном билан дунёга машҳур. Йўқ у Леонардо да Винчининг «Мадонна»си эмас. Амриқода яшовчи италиялик муҳожирлар онласида туғилган Мадонна — Луиза. Унинг ота-онаси қизларини тартиб-интизомли, инсоний одоб-аҳлоқ руҳида тарбиялашни исташганди. Лекин орзулари пуч бўлиб чиқди. Чунки Мадонна мутлақо кутилмаган йўлдан кетди.

Чет элларда, масалан, Амриқода «ўзинг учун ўл етим» тарзида яшашади. Шунинг учун ҳам уларнинг аксар қисми ўз келажаги ҳақида асосан ўзи қайғуради.

Мадонна ҳам ўз ҳаёт йўлини ўзи мустақил равишда белгилади. У тўла маънода очиқ аёл. Бошқалардан ўз камчиликларини ҳам яшириб ўтирмайди. Бойлик орттиришни яхши кўради. Ҳар қандай йўл билан бўлсин пул тўплашдан қайтмайди. Амриқодаги нуфузли ойномалар муқоваларида баъзан унинг яланғоч, келишган қоматига кўзингиз тушиб қолса — ажабланманг: Мадонна пул ишлаяпти. У ўзини «Моддий дунёнинг моддий қизиман» деб ҳисоблайди.

У бир вақтлар бор йўғи 35 доллар билан Мичигандан Нью-Йоркка келган эди. Ўшанда «Пентхауз» ойномаси бу бечора, келишган қизнинг яланғоч ҳолдаги суратини босди. Ана шундан кейин унинг бечоралигига нуқта қўйилди. Бу «юлдуз»нинг биринчи ёғдуси эди. Бугун эса унинг «нур»и кўзни қамаштиради.





Бўлажак китобдан саҳифалар

Ўн тўртинчи асрда бўлиб ўтган сарбадорлар ҳаракати тарихимизнинг ғоятда мумтоз ва эътиборли ҳодисаларидан биридир. Инсонлари тенг ҳуқуқли, фуқаролари бахт-саодатга ошно фозил жамоа, шаҳар бунёд этмакка бел боғлаган, одил подшони орзу қилган сарбадор ота-боболаримиз 1365-66 йиллар давомида Самарқандда ҳокимият туғини кўтардилар. Пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли Абубакр Калава, камонмерган Хўрдак Бухорий, толиби илм Мавлонозода сингари оддий халқ вакиллари давлат бошига келдилар. Бу пайт ҳали бугунги кунда машҳур Париж Коммунасига беш юз йил бор эди...

Таниқли ўзбек шоири ва адиби, Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотлари совриндори Муҳаммад АЛИнинг янги «Сарбадорлар» тарихий романи ана шунга бағишланган.

Рости, биз рўзномамизда бадиий асарлардан парча эълон қилишни тўхтатган эдик. Улуғ бобомиз Форобийга бағишлангани ҳамда тарихимиз ҳақида маърифий манба сифатидаги қимматини ҳисобга олган ҳолда муҳарририят ушбу асарнинг «Дунё — бир ғунча...» бобини чоп этишни лозим деб топди. Роман «Шарқ юлдузи» ойномасида тўлиқ ҳолда эълон қилинади.

Муҳаммад АЛИ

«ДУНЁ—БИР ҒУНЧА...»

Самарқанд осуда тун қўйнида, кечанинг икки ҳиссаси ўтиб бўлган бир палла...

Самарқанд сарбадорлари оқсоқоли Абубакр Калава нохуш кайфиятларга дучор бўлганда, одатда, муаллими соний рисолаларини титкилаб кўнглига таскин топарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Кейинги кунларда «Ас-сиёсат алмадания» — шаҳарни бошқариш ҳақидаги рисолани, бахт-саодатга эришув йўллари тўғрисидаги «Рисола фи-т-танбиҳ ала асбоб ас-саодат» китобини ўқиб бўлди. Бугун навбат уни энг қизиқтирган китобга етди: «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» — фозил шаҳар кишиларининг қарашлари... Абубакр Калава тағин шу китобни қўлига олиб, шам ёруғида оҳиста варақлай бошлади. Бошлади-ю, тасаввурнинг беқиёс кучи хаёлнинг шиддатли дулдулида уни олис-олисларга, улуғ муаллим қошиға олиб кетди...

Абубакр Калава миноралари юксак, муҳташам бинолари савлат тўккан катта шаҳарга кириб борар экан, рўпарадан тугун кўтариб келаётган йигитдан туркийда: «Бу қайси шаҳар?» деб сўради. Ҳалиги йигит сурёний тилида нимадир деди. Абубакр Калава тушунмади, такрор — бу сафар араб тилида гапирди. «Бу ер Димишқ!» — деб жавоб қилди ҳалиги йигит. Суҳбат шундоқ шаҳарга кираверишда, катта боғнинг ёнида рўй бермоқда эди.

— Мен мусофирмен, Самарқанддан келмакдамен... — Абубакр Калава йигитга тикилди. — Шу шаҳарда ватандошим бордир, менинг устозим... Балки билурсиз?

— Кимдир ул киши? Мен этикдўзман, кўп ичида юраман, билсам мумкин, — мусофирга илтифот кўргизди йигит.

— Муаллими соний, Абу Наср ал-Форобий... Туркистондан...

— О... ким билмайди дейсиз бу улуғ зотни! — қулфидили очилиб кетди этикдўз йигитнинг. — Ул зотнинг кичикфеъллиги, камтаринлиги, тортинчоқлиги ҳаммани лол қолдиради. Оламга машҳур аллома эканликларига қарамай, фақирона кун кечирадирлар. Халаб ҳокими Сайфуддавла алломани саройга чорлаб, ўша ерда истиқомат қилишга даъват этибдир. Аммо муаллим кўнмабдир. Ҳоким хазинани очдириб, истаганча бойликдан олингиз, деб фармон қилибдир. Ул зот, кунига тўрт дирҳамдан танга тилабдир, холос... Ажабки, у дирҳамларни ҳам етим-есирлар билан баҳам кўрар эканлар...

— Шундоқми? — сўради ғурурланиб Абубакр Калава.

— Худонинг бир куни Димишқ бозорида айланиб юриб, бир этикдўз йигитга кўзи тушибдир. Йигит тагчармни тишида тортиб, этик тикаётган экан. «Жуда қаттиқ меҳнат қилар экансен. Бир кунда неча дирҳам топасен?..» деб сўрабдилар ал-Форобий. «Икки дирҳам», деб жавоб берибди йигит. Алломанинг раҳми келиб ўзининг тўрт дирҳамини ҳам бериб турадиган бўлибди... Камина ўша этикдўздирмен... Шундан бери ҳамсуҳбатмиз... Мен ҳар куни ул зотдан бохабардурмен, егулик олиб келамен...

— Муаллими соний қаерда истиқомат айлайдилар?..

— Мана шу ерда, — деди йигит ўнг томонда ястанган катта боғни кўрсатиб. — Шу боққа боғбонлик қиладилар.

— Ие! Ёнларига келиб қолибмен-ку! — ҳайратда боғ томонга қаради Абубакр Калава.

— Ўзлари ким бўладилар? — йигит сўради ўз навбатида.

— Мен шогирдлари бўламан, Абубакр Калава Увайс...

Танишиб олишгач, йигит уни боққа бошлади, йўл-йўлакай Абу Наср ал-Форобий ҳақида ҳикоя қилиб борди:

— Бир марта алломадан сўрабдилар: «Сен кўп биласенми ёки Арасту?» У жавоб берибди: «Агар мен ўша даврда яшаганимда, у билан учрашиб сабоқ олганимда, муаллимнинг энг етук шогирди бўлардим». Яна бир марта жуда қизиқ бўлган экан. Сайфуддавла, Халаб подшоси, саройда фозилу фузалолар мажлисини чақиртирибди. Ал-Форобий анжуманга кирганда, подшо тахтда ўлтирган экан. У кирган одамнинг кимлигини билмабди, танимасни сийламас, деганларидай бепарво алломага жой топиб ўлтиришни буюрибди. Ал-Форобий сўрабди: «Қандоқ жой топай — ўзимнинг мартаба-ю мансабимга қарабми ёки сенинг мартаба-ю мансабингга, обрўйингга қарабми?», «Ўзингнинг мартабангга қараб жой топ!» дебди подшо. Аллома барча амирларни ортда қолдириб, тахтнинг олдига келибди-да, тиз чўкибди. Подшонинг дили қаттиқ ранжиб, вазирга кўпчилик билмайдиган пинҳон тилда аста шивирлабди: «Мана бу турк саройда ўзини қандай тутишни билмади, беодоблик кўргизди, мажлисдан сўнг бир таъзирини бериб қўйинглар! Токи иккинчи бундоқ қилмасун!» Буни эшитган ал-Форобий подшога савол берибди: «Мен беодоблик қилмадим, қайси айбимга таъзиримни бермоқчисизлар?» Подшо ҳайратдан бармоғини тишлабди: «Авомунносда бу тил пинҳондир, сен қаёқдан билурсен?» «Жуда кўп тил менинг ҳалвомдир, хотиржам бўлғил!» дебди аллома. Шу пайт мажлис аҳлидан кимдир ўртага масала ташлабди, мубоҳаса бошланибди. Саволга ҳеч ким жавоб бера олмабди. Ал-Форобий масалани барчага тушунтириб, шарҳлаб берибди. Ҳамма қойил қолибди. Шунда ҳайрон бўлган Сайфуддавла алломага мурожаат қилиб: «Сен муаллими соний эмасмусен? Чунки сен қилган ишлар ёлғиз ўшанинггина қўлидан келадур, холос», дебди. Аллома тасдиқлаб бош тебратибди. Подшо танимаганлиги учун дарҳол узр сўрабди.

— Ана муаллимнинг ҳурмати! — деб қўйди Абубакр Калава.

— Фозилу фузалолар тарқалишгач, подшо энди мусиқачиларни чорлатибди. Ал-Форобий мусиқачилар билан ҳам теппа-тенг суҳбат қурибди. Буни кўрган подшо сўрабди: «Муаллимлар муаллими мусиқа илмидан ҳам бохабармидурлар?» Аллома «ҳа» дегандай ишора қилибди. Ғижжак келтирибдилар. Ал-Форобий ғижжакни сайратиб юборибди. Унинг салоҳиятига астойдил тан берган Сайфуддавла, мана шундай анжуманларнинг доимий кўрки бўлинг, деб уни саройга таклиф этибди. Аммо муаллими соний бунга рози бўлмабди. ҳалиги айтган тўрт дирҳамни тилаб олибди, холос.

Боғнинг катта дарвозасига етдилар. Ичкарида тўкин-сочин ёзнинг ҳимматли нафаси тегиб қизарган олмалар, болга тўлган шафтолилар, шира боғлаган нашватилар кўзга ташланарди. Боғ Сайфуддавлага қарашли эди.

— Муаллим, ҳо, муаллим! — деб чақира бошлади йигит. — Мен келдим!

Абубакр Калава сабрсизлик билан дарвоза тирқишидан ичкарига қаради. Лоҳавло вало қуввато! Неча-неча йиллардан бери бир кўришга интиқ бўлган зот, оламга машҳур аллома, улуғ ватандош Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий келарди! Эгнида туркча оқ яктак-лозим, бошида оҳори кетиб қолган дўппи, манглайи Фарғона деҳқонларидай дурра билан танғилган, оёғига эса ҳеч нарса киймаган... Ўрта бўйли муаллими сонийнинг ёшини олтмиш беш-етмишларда чамаласа бўларди. Юриши ёшига қараганда илдамроқ эди, бу питрак чолнинг.

— Шошилма, тойчоқ, шошилма! — сас берди ал-Форобий.

Абубакр Калаванинг юраги ҳаприқиб кетди. У Туркистон фарзандини яктагиданоқ таниб олди. Кўп йиллардан бери мусофир ерларда юрса ҳам туркона урф-одатлар, расм-русумларни, кийинишни унутмаган кўринади аллома! Кийимлари ҳамон ота-боболар кийимидан...

Шу пайт дарвоза зулфини шарақлаб тушди-да, икки юзи қип-қизил, оппоқ соқолли чол намоён бўлди.

— Меҳмон бошлаб келдим бу сафар, устоз! — мақтанди этикдўз йигит дарвозадан кираркан. — Юртингиздан, Самарқанддан...

— Ассалому алайкум, муаллим! — Абубакр Калава қўл қўйиб таъзим қилди. — Она юртингиздан дуои салом олиб келдим. Самарқанду Бухоро, Шошу Фарғона салом йўллаб қолди...

— Оҳ, она тил, киндик қони тўкилган тупроқнинг саси! Сен қанчалар буюксану нечоғлик тансиқ! Жарангинг жонга дармон, дарагинг дардга шифо! Хуш келибсан, азиз юртнинг ўғлони, кел!

Ал-Форобий қучоқ очиб Абубакр Калавани қаттиқ бағрига босди, катта кўзларида нам айланди.

— Мен Абубакр Калава Увайс...

— Увайс? Яъни шогирд?

— Ҳа, ҳа, шогирд. Мен олис замонлардан келдим, сизни зиёрат этмак мақсудим эрди...

— Оллоға шукрким, шундоқ кунларга ҳам нафас етди, мени излагувчилар ҳам топилиб қолди, қуллуқ, куллуқ! Қани, тойчоқ, — деди этикдўз йигитга қараб, ал-Форобий. — Кулбани оч, меҳмон тагига кўрпача сол! Меҳмон атойи худо деганлар!

Улар ораста боғнинг ўнг томонида жойлашган кичкина уй сари йўналдилар. Йигит уй олдидаги сўрида жой ҳозирлади. Сўрига ўлтириб фотиҳа қилган ҳам эдиларки, катта кўчадан шовқин-сурон, отларнинг кишнаши эшитила бошлади. Қўшин ўтмоқда эди.

— Бу не шовқин экан? — сўради Абубакр Калава.

— Ҳалаб подшоси Сайфуддавла Миср малигига қарши лашкар юбормакда... — Ал-Форобий бош тебратди. — Қўшинни кўринг, душманлик созини чалиб, низо оҳангида куйлаб бораётир... Муҳораба, жанг, савашиш ваҳшийларга хос жиҳатлардир. Улар инсон табиатига зинҳор яқин келолмайдилар, билъакс, инсон табиатига зид нарсалардир. Саваш тилаганлар ўзларини ваҳшийлар қаторига қўшиб қўйганларини билишармикин? Маъракаи майдонга қадам қўймак ҳамма вақт ҳам мардлик аломати саналмайдир... Уруш — олам бахтига човут солгувчи баҳайбат ўлим қушидир. Унинг қанотларини кесмак лозим, токи парвоздан қолсин...

Абубакр Калава ўлим қушини тасаввур қилди: қанотлари улкан қора қуш еру жаҳонни эгаллаб парвоз қилмоқда, борлиқни зулматга чулғамоқда, тириклик сабзасига хазон нафасини урмоқда. У учиб ўтган ерларда йўқлик шамоли тентираб кезади, мағрибу машриқни эгаллаган қанотларни кесмак учун бемисл қудрат, шижоат керак...

Этикдўз йигит, мана бир йилдирки, муаллим билан ҳамсуҳбат, аммо уруш тўғрисида бундай сўзларни эшитмаганди.

Кўчада шовқин-сурон тинмасди.

— Кишига тиғ кўтармак бадхўйликдир. Бу оллоҳга ҳам ёқмайдир, — давом этди муаллими соний катта-катта кўзларини Абубакр Калавага тикиб. — Бойлигу зар учун ёт элга бостириб бормак, зўравонлик кўргизмак, душманликка бормак, ўзганинг тупроғини забт айламак, булар бари жоҳиллик белгисидир. Ахир бировга зўравонлик этмак — куппа-кундузи барчанинг кўз олдида ўғирлик қилмақ билан баробардир. Қайдаки ор-номус доирасидан чиқиб, ўғриликка қўл урилган экан, бас, у ерда ёлғончи дунё даврон сурадир, сотқинлигу разиллик илдиз отади. Бундоқ кишилар истиқомат айлагувчи шаҳар, билингким, жоҳил шаҳардир, маърифатнинг ёнидан ҳам ўтмаган бир маскандир. Бундоқ шаҳар иллатлар ботқоғида қолгандир...

— Жоҳил шаҳарни яхши таърифлаб бердингиз... — деди Абубакр Калава кўз олдидан бир-бир Жета хонининг неча-неча бор юртга бостириб киргани, жангпараст амиру уришқоқ бекларнинг турфа хил кирдикорлари намоён бўлди.

— Ҳали жоҳил шаҳар таърифига киришмадим десам ҳам бўлаверади, қулун! — жилмайди ал-Форобий. Муаллими соний кишиларнинг номини айтиб чақирмас, балки ҳамиша эркалатиб бошқа сўз билан мурожаат қиларди. Абубакр Калава муаллимнинг «қулун» деб суюб чақиришидан қувонди, ажабки, шу биргина сўз уни улуғ алломага ота-болалар қадарли яқин қилиб қўйди. — Мен урушлар ҳақида айтдим, холос. Агар ўзимиздан қиёс қилсак, Қутайба ибн Муслим босқинини назарда тутдим, у юртимизни забт этиб, кўп бегуноҳларни қиличдан ўтказди.

— Юртга бостириб кирган ёвузларга қарши тиғ кўтарганлар-чи? Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна каби... — сўради Абубакр Калава. — Ахир улар ҳам уруш қилдилар...

— Ҳа, Муқанна, халқ қаҳрамони, етти йил жанг камарини белидан қўймади, саваш қурди. Қутайба урушидан Муқанна урушининг фарқи бордир. Қутайба ўзга заминига бостириб кирди — бу зўрвонликдир, Муқанна киндик қони тўкилган тупроқни ҳимоя этди — чинакам ўғлонлик саботини кўргизди. Ватанни ҳимоя айламак марднинг дил қасамёдидир, юрагига қувват бергувчи эзгу туйғудир!

— Абумуслим янглиғ, — гап қистирди этикдўз йигит.

— Худди шундоқ, тойчоқ, худди шундоқ, — деди муаллими соний.

Шовқин пасая бошлади. Сайфуддавла қўшини ўтиб бўлаёзганди.

— Муаллим! — қўймасди этикдўз йигит. — Мана, подшо Сайфуддавла сизни беғоят ҳурмат этадию, ўзини илму маърифатни қадрлагувчи деб таърифлайдилар. Унга урушнинг шундоқ зиён-заҳматини, ғоратдан бошқа нарса эмаслигини айтсангиз, қулоққа олармиди, Мисрга қўшин тортмасмиди, дейман...

— Филҳақ Сайфуддавла маърифатни қадрлайдир, у ҳур фикр соҳиби эканлиги билан ўзга ҳокимлардан ажралиб турадир. Сайфуддавла анжуманларида эътиқоди мустаҳкам кишиларнинг ақидалари хусусида озоду малолсиз фикр юритиш мумкин. Аммо биргина Сайфуддавла англагани билан, иш ўзгариб қолмайдир, афсус... Муҳорабани йўқ қилмак жамоага боғлиқ... Мен Бағдодда яшаган чоғимда, тойчоқ, бир рисола бошлаб эдим, ал-шукуриллоҳ, ўша рисолани бугун ниҳоясига еткурдим...

— Қандоқ рисола экан? — қизиқди Абубакр Калава.

— Фозил шаҳар кишилари қарашлари ҳақида китобдир. «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» деб номладим уни. Рисолани араб лисонида туздим...

— Муаллим! Нечун рисолани она тилимизда битмадингиз, балки араб тилида жамол кўргиздингиз?

(Давоми бор).

ОШХОНАДАГИ ШЕР

✦ АВСТРИЯНИНГ Роттенманн шаҳри полиция участкасига ҳаяжонга тушган аёл қўнғироқ қилиб, унинг ошхонасида тўйиб овқатлангандан кейин уйқуга кетган шер ётганлигини айтди. Маълум бўлишича, бу ҳайвон циркдан қочиб кетган ва одатдаги таомнинг иштаҳа очувчи исидан биринчи қаватдаги ойнаси очиқ ошхонага сакраб тушган. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган циркнинг ҳайвон ўргатувчиси унинг бўйнига бўйинбоғ солиб яна орқасига олиб кетган.

БИР КЕЧА КУНДУЗДА 264 КИЛОМЕТР

✦ 36 ЁШЛИ француз спортчиси Жан Буссике Англиянинг Блэкберн шаҳри четида тез юриш юзасидан одатдан ташқари рекорд ўрнатди. У марафон усулида бир кеча кундузда 264 километр масофани босиб ўтди. У бу юришни шанба куни кундузи бошлаб бутун туни билан юрди ва якшанба куни эрталаб тугатди.

ВЕЛОСИПЕД НЕЧА ЁШДА!

✦ ИТАЛИЯ археологлари Помпей шаҳрида қазиш ишларини амалга оширилаётган пайтда яхши сақланган велосипедга ўхшаш икки оёқли қурилманинг тасвирини топишган. Ана шу тасвирга 2 минг йилдан ортиқ бўлган. Афтидан унда кўрсатилган асосий узеллар ва деталлар XIX асрда велосипеднинг шатуни, ғилдираги, уни ўққа мустаҳкамловчи рамалари лойиҳалаштирилган. Велосипеднинг ғилдирагига юмшоқ резина шинани шотландиялик ветеринария врачи Дэклоп 1888 йилда «кийгазган». Бунинг учун у боғни суғориш учун фойдаланиладиган резина шлангдан фойдаланиб, ҳаво ўрнига унинг ичини сув билан тўлдирган.

ЧЕКМОВЧИЛАР УЧУН МЕҲМОНХОНА

✦ ҲАР БИР чекувчининг эзгу орзуси мана шу зарарли одатдан қутулиш ҳисобланади. Буни дам олиш пайтида амалга ошириш қулай. Шу йил ёзида чекишни ташлашни истовчи кишиларни машҳур Копаоникдаги меҳмонхоналардан бирига таклиф қилган «Юготурс» Югославия саёҳат агентлиги мана шундай хулосага келди. Меҳмонхона шифокорлар жамоаси бир қатор тадбирлар комплексини ишлаб чиқди. Махсус терапиядан ташқари овқатланишни тўғри ташкил этиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Мижозларга спиртли ичимлик, газсув, қаҳва ичимликларини истеъмол қилмаслик тавсия этилади. Овқатлар рўйхатидан ёғлиқ таомлар, ўткир емишлар олиб ташланиб, ўрнига сабзавот, мева, шарбатлар берилади.





ОҚСАРОЙ МАЙДОНИДА БЕЛЛАШУВ



Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз шаҳри байрамдагидек безатилган. Шаҳарга ҳамма вилоятлардан лапар ва ялла, якка соз ижрочилари ташриф буюрдилар. Жумҳуриятимизда биринчи марта ўтказилаётган лапар, ялла ва якка соз ижрочилари кўригига вилоятлардан 250 га яқин иштирокчилар қатнашиб, ўз санъатларини намойиш этишди.

Андижон вилоятига қарашли Қўрғонтепа маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоасининг қатнашчиси Оминахон Нуритдинова лапар соҳаси бўйича 1-ўрин ва лауреатлик унвонига сазовор бўлди. Ялла ижрочилик санъати бўйича Наманган шаҳар «Ерўёр» фольклор этнографик жамоасининг иштирокчиси Еқубжон Раҳматуллаевга ҳам 1-ўрин ва лауреатлик унвони насиб этди. Якка соз ижрочилик борасида 1-ўрин ва лауреатлик унвони Бекобод шаҳар «Заҳар тароналари» ашула ва рақс жамоасининг созандаси Мамажон Мамараҳимовга берилди. Қатнашчилардан яна ўн нафари 2-3 ўринни эгаллаб, лауреатлик унвонига эга бўлдилар.

Бу кўрик илк бор ўтказилишига қарамай, вилоятлардан келган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ичида талантли ёшлар борлиги аниқланди. Йўқолиб кетиш арафасида турган лапар соҳасида 20 га яқин ижрочиларнинг мавжудлиги ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ва мутахассисларни қувонтирди.

Келажакда энг яхши ижрочиларни бирлаштирган ҳолда Тошкент шаҳрида лапар ва ялла ижрочиларининг студияси очилиши тавсия этилди. Бу ўтказилган тадбир миллий санъатимизнинг ноёб соҳаларидан ҳисобланган лапар ва ялла ижрочилик санъатини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Ў. ТОҲИРОВ,
Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари Жумҳурият илмий-методик марказининг раҳбар муовини.

* * *



СУРАТЛАРДА: конкурс иштирокчилари ўз номерларини намойиш этишаётир.

И. ЯРУЛИН суратга олган.

Ахлоқ мавзуида

МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБЛАР

Биз ҳаётда хуш кўрадиган нарсалар шунчалик кўпки, санаб адоғига етиб бўлмайди. Она алласи, ҳозиргина тандирдан узилган нон хушбўйи, зилол сувнинг шилдираши, ёшликнинг учқур орзулари, муаллимнинг бўрдан оқарган қўллари, суюкли ёрнинг ширин табассуми... Бугунги кунда эътиқод сўзини қайта-қайта такрорлайдиган бўлиб қолдик. Инсоннинг бир-бирига меҳри, яхши яшаш ва меҳнат қилиш завқи билан уйғунлашган ҳолда халқлар ўртасидаги байналмилал дўстликни келтириб чиқаргани айни ҳақиқат. Булар эса ўз навбатида социализм тузумини ҳимоя қила олади. Улуғ Октябрь инқилоби, фашизм устидан қозонилган ғалаба фикримизнинг далилидир. Совет кишиларининг бир-бирига ишончи, улар томирида қардошлик ва қондошликнинг жўш уриб, бунёдкорлик, яратувчилик ишларига эш бўлаётганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Ҳануз эсимда, ўспиринлик йилларимда қўшнимиз ичиб келиб, ов милтиғи билан хотинини жон талвасасида қувар, боёқиш дод солиб қочар эди. Баъзи қўни-қўшнилар буни девордан мўралаганча «томоша» қилишарди. Бу ҳол битта-яримта нуроний аралашмагунча давом этарди. Афсуски, ҳамқишлоқларининг бечора аёлга заррача раҳми келмасди.

Ўтган йили эса Тошкентнинг Юнусобод даҳасида ёлғиз истиқомат қилувчи кампир тўсатдан вафот этди. Бир эшикдан кириб чиқувчи қўни-қўшнилар орадан бир ҳафта ўтгач, бу воқеадан хабар топибди. Бу пайтда мурданинг яқинига бориб бўлмас, у ҳавонинг димлигидан ҳидланиб қолганди. Аммо, отасининг таъзиясида (ҳафачиликдан эмас, хурсандчиликдан) роса ичиб олиб, мозор бошида хурмача қилиқ чиқарган, мени ҳам отам билан кўмасанлар, дея қаҳ-қаҳ отган ўғил воқеасини кўргач, юқоридагилар ҳолва экан, дея кўнглимдан нафрат ва алам ҳислари кечганди.

Бултур «Пахтакор» стадионидаги футбол учрашуви тугагандан сўнг, бир дўстим билан Анҳор бўйлаб кетишни ихтиёр айладик. Йўлакда уст-боши шалоббо бўлиб ястаниб ётган 20-22 ёшлардаги йигитча йўловчиларни оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлар қилса-да, кўпчилик эътибор бермасди. Бироқ, икки ёш йигит (кўринишидан қишлоқдан келган талабалар бўлса керак) ҳақоратларга лоқайд ўтиб кетолмади. Улардан бири ҳалигининг ёнига келиб, нимадир деди. Шу пайт дарахтлар орасидан ўн нафарча шериги чиқиб, икки йигитни шафқатсизларча калтаклаб кетди. Ҳамма ўзини четга олганча, ҳеч ким жанжалга аралашгиси келмасди. Безорилар «қуён» бўлгандан сўнг воқеадан хабар топган осойишталик посбонлари ўша икки йигитни панжарали машинада олиб кетибди.

Шанба кунларидан бири. Бекат йўловчилар билан тирбанд. Шаҳар бўйлаб қатнаётган автобус мактаб яқинига келиб тўхтади. Оломон бирдан машинага ёпишди. Шу пайт уйига ошиқаётган, эндигина мактаб остонасига қадам қўйган икки жажжи қизча одамларнинг оёқлари остида қолиб қичқира бошлади. Ғайрият кимдир уларни базўр чеккароққа чиқариб қўйди. Юз-кўзлари тирналган, қизалоқлар автобусга чиқолмай, совуқдан қалтираганича мўлтирар, кўзларидан ёш оқарди.

Бу воқеаларнинг ўзига хос иқтисодий ва руҳий сабаблари бор, албатта. Жиноятга қўл уриш, ўғриликлар одатда қашшоқликдан, таълим-тарбия савиясининг пастлигидан келиб чиққандек, инсонпарварлик ҳисси деярли унут бўлмоқда. Бугун уни янгилаш, тиклаш чоғи келди. Зукко, муштарий шиддаткор даврда мамлакатимизда иқтисодий танглик шу аҳволга келиб қолган, экологик вазият ўз мувозанатини йўқотаётган, миллий муносабатлар жунбушга келиб, бешафқат қон тўкишлар, зўравонлик ривожига чиқаётган бир пайтшу «майда гаплар»га зарурат бормикан, дея ўйлаши мумкин. Лекин, кўпчилик бундай ўй-хаёлга бормаслигига ишонса бўлади. Аксинча, бошқа бир қатор объектив ва субъектив сабаблар билан бирга Фарғона фожиаси, арман ва озор юртидаги қонли фожиалар, Душанбе шаҳрида вужудга келган ўзаро низолар миллатчилик, демократия ниқоби остида тузумга турли хил бўхтонларни ёғдириш узоқ йиллар давомида қадр-қиммат, ўзаро муносабат, одамнинг-одамга ташналиги йўқолиб бориши замирида етипмадимикин! Қанийди, биз билан бир юртда яшаётган, ҳар бир фуқаронинг маънавий ва руҳий олами соғлом, бутун, тўкис ва гўзал бўлса. Қанийди, ҳаммамиз бирдек меҳрни, мурувватни мисқоллаб, қатралаб ўлчаб бўлмаслигини англасак! Одамийлигимиз ақл-заковатимиз рисоладагидек бўлганида фожиалар юз бермас, советлар юртидаги бундай совуқ хабарлар жаҳон бўйлаб тарқалмас эди. Эҳтимол ўшанда ўзлигимизни, тилимизни, урф-одатларимиз ва маросимларимизни йўқотмаган бўлардик.

Муносабатларнинг юпқалашиб бораётгани оилада ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, оила қўрғонини мустаҳкамлаб олмаган баъзи аёллар эри у ёқда турсин фарзандига ҳам бемеҳрлигича қолмоқда. Бугун СССР ажралишлар бўйича жаҳонда етакчи ўринда. Арзимаган турмуш синовлари олдида эсанкираб, эри билан худа-беҳуда ҳуқуқ талашиб, ажрашиб кетаётган ўша бемеҳр қалблар ҳақида ёзишнинг ўзи дардли. Ўз жигарбандини меҳрга зор, бахтсиз қилаётган бу жувонлар (улар бугун катта гуруҳни, синфни ташкил этади)дан эл юрт қандай наф кўрарди! Эл ташвишига улар шерик бўла олармиди! Албатта йўқ!

Инсон қадр-қиммати ардоқли, мўътабар ва азиздир. Бизга бу рўшнолик кўрмай яшаб ўтган ота-боболаримиздан юққан хислатлардир. Уларнинг ҳаёт йўли ёруғ дунёдаги барча эзгуликлар, қудратлар, ҳайратларнинг калити бир-биримизни ардоқлашдан сабоқ беради. Турмуш бугун улар руҳини ёдда тутиш, нурдай ёруғ фазилатларини дастуруламал қилишни тақозо этмоқда. Шоира Эътибор Охунова меҳрини қуёшга қиёс этгани ҳам бежиз эмас:

Қачон йўлдан адашсам, тополмасам роҳимни,
Қачон меҳрсиз қолсам, юрак айланса тошга,
Мен излаб топар бўлдим — инсонни
ҳамроҳимни,
Дилимни тоблаб олгум ўшал меҳри қуёшга...

Д. ДЎСТМУРОДОВ.

КИМ ҲАҚ, КИМ НОҲАҚ?

Албатта, спорт мухлисларининг бундан хабарлари бор: совет футболчиларининг кўпчилиги чет эл командаларида ўйнаш учун жўнаб кетишяпти. Дасаев, Заваров, Алейников, Черенков, Радионов... Очиғи, ҳозирги кунда мамлакатимиздан қанча футболчи чет элларда ўйнаётганини аниқ ҳисобини айтишга ожизлик қиласан киши. Чунки ҳар куни битта янгилик, шов-шув.

Яқиндагина Киевнинг «Динамо» ҳамда мамлакат терма командасининг ажойиб ўйинчиси Олег Протасов ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Ҳатто баъзи газеталарда уни аллақачон Грецияга жўнаб кетганлиги ҳақида ҳам ёзишди. Аммо...

Ҳамма бало СССР футбол федерацияси ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган қоидалардан бошланди. Махсус қабул қилинган мазкур қоидага биноан чет элга шартнома тузиб ўйнаш учун кетаётган ўйинчилар 28 ёшга тўлганларидан сўнггина рухсатнома берилиши мумкин. Лекин бу қарор кўпчилик футбол мутахассислари ҳамда ўйинчиларнинг қатъий норозиликларига сабаб бўлганлиги ҳам сир эмас. Федерация раҳбарлари эса ўз сўзларидан қайтишни исташяпти. Қонун сўзсиз бажарилиши шарт!

Бу биргина Протасовнинг «оёғини боғлаб» тургани йўқ. Балки яна кўпчилик ўйинчилар ҳам рухсатнома олиш учун навбат кутишяпти. Хуллас, Протасов «Олимпиакос»га кетадими ёки йўқми? Бу ҳали узил-кесил ҳал бўлгани йўқ.

ШУКРКИ, ОМОН ҚОЛИШДИ...

Ҳаёт доимо тасодифларга тўла. Баъзан қувонасан, баъзан эса куйинасан. Албатта бундай тасодифлар гоҳо бахт келтиради, гоҳо кулфат...

Ўтган ҳафтада мухлислар орасида миш-мишлар тарқалди: «Москванинг «Спартак» командаси футболчилари автоҳалокатга учраганмиш» шунингдек яна бири «кўп марта жаҳон, Олимпиада ва Европа чемпиони бўлган талантли хоккейчи Борис Майоров ҳам автомобиль ҳалокатига йўлиқибди. Аҳволи оғир эмиш...»

Ҳақиқатан ҳам бу миш-мишларда жон бор экан. «Советский спорт» рўзномасида бу ҳақда батафсил хабар берилган. «Спартак» командаси дарвозабони Станислав Черчесовнинг газета мухбирига айтишича, команда аъзолари ўзларининг Тарасовкадаги махсус спорт базасидан Ярославль шоҳкўчаси бўйлаб автобусда қайтиб келишаётганда рўпараларидан катта тезликда келаётган енгил машина чиқиб қаттиқ урилган. Оқибатда ўйинчиларнинг баъзилари ҳар хил енгил жароҳатлар олишган. Енгил машинадаги икки киши эса ҳалок бўлган...

Шунингдек Борис Майоров Воронежда якунланган турнирдан Москвага ўз «Волга»сида қайтиб келаётганида (ёнида рафиқаси ҳам бўлган) Елец шаҳри ҳудудидаги катта йўлда «Жигули» машинаси билан тўқнашиб кетган. Йўл қоидасини қўполлик билан бузган машина ҳайдовчиси ҳалок бўлган. Хоккейчининг турмуш ўртоғи касалхонага ёткизилган. Ўзи эса енгил жароҳат олган...

ТВ

15 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Яхши қўшничиликни қадрла», «Қишлоқдан келган шаҳарликлар». Телефильмлар. 13.15 Такрорий фильмлар экрани. «Серафим Фроловнинг муҳаббати». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.40 Болалар учун фильм «Лайлак учди, ғоз учди» (А. Довженко номли киностудия). 18.55 «Депутат ва ҳаёт». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Тинчлик ва тараққиёт йўлидан». Ҳиндистон мустақиллиги кунига. 20.20 «Чинор япроқлари». Телефильм. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Камолот сари». Марьям Сатторова ва Абдулҳай Каримов. 21.40 «Абхазия оромгоҳи». Телефильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Очилхон Отахонов куйлайди». Видеофильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

* * *

18.05 Телефильм. 18.35 «Марина». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 19.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўтмишсиз келажак йўқ».

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Мачаунинома». Мусиқий кўрсатув. 21.40 «Сиртлон изидан». Ҳужжатли фильм. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ҳаёти деҳот». 23.00 «Азизим Елена Сергеевна». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Степанчиково қишлоғи ва у ерда яшовчилар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 9.35 Ксения Георгиади куйлайди. 10.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.00 «Нафис тароналар». И. Штраус. 15.50 «Учқур тойчоқ». Мультфильм. 16.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.00 «Ҳиндистон: диёнатда қатъият». 18.00 «Вақт» Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Халқ куйларидан концерт. 18.45 «Орол». Бадиий фильм. 1-серия (Италия). 20.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

21.00 Резонанс. «Бу ёғи нима бўлади?». 22.15 Смоленск рус халқ оркестрининг концерти. 23.00 «Рақслар, рақслар, рақслар». Бал рақслари ижрочилари халқаро кўриги. Минскдан кўрсатилади. 23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 Ҳужжатли фильмлар. «Курорт шаҳарча», «Уста чолғучи». 9.00 «Бор бўл, мусиқа!». 9.45 «Иркит ўрдакча». Мультфильм. 10.05 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 2-серия. 11.10 «Ошхонадаги суҳбат ёки бахтли аёл монологи». Ҳужжатли фильм. 11.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 6-серия.

* * *

17.00 А. Шнитке. «Ёз кечасидаги туш». 17.10 «Ёрдам беринг». Бир хутор тақдири. Латвияда хуторларни тиклаш муаммолари ҳақида. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Аргентинадан кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.10) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 20.10 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.15 «Олча гуллаганда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 21.35 Д. Мехеш. «Балтазар». Телевизион спектакль (Венгрия телевидениеси). Премьера. 22.30 «Ақл-идроксиз куч керакми». 23.00 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23521.